



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

18 май, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 93 (1095)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1995 йилда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республиканинг дон мустақиллигини мустаҳкамлаш, бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни жадал тугаллаш ва давлат ресурсларига дон топширишни кўпайтириш борасида ҳужжаликни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1995 йилда бошоқли экинлар донини прейскурант нархларда харид қилиш ҳажми 1420 тонна микдорда белгиланган ва «Ўздонмахсулот» давлат корпорациясига камида 680 минг тонна донни эркин нархларда қўшимча равишда сотиб олиш юзасидан контрактация шартномалари тузилишини таъминлаш юқлатилсин.

Бошоқли экинлар донини прейскурант нархлар иловага мувофиқ белгилансин.

Ҳужжаликлар томонидан донни дон қабул қилиш пунктларига етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари «Ўздонмахсулот» давлат корпорацияси корхоналари ҳисобига қоплансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалик вазирлиги ва «Ўзқишлоқҳўжаликтаяминоттузатиш» давлат-кооператив кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳўжаликларини билан келишилган бошоқли экинлар донини йиғиштириб олиш ва топшириш мuddатлари бўйича тақлибларига розилик берилсин.

3. Урим-йиғим ишларини жадаллаштириш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун «Ўздонмахсулот» давлат корпорацияси 1995 йилнинг май ойида қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига харид қилинадиган жами дон микдори қийматининг 40 фоизгача аванс тарихида берилишини таъминласин, дон учун узил-кесил ҳисоб-китобларни унинг амалда харид қилинишига қараб ўтказсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳўжалик вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзмевабазавотузмасаноат» уюмлари ва Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академияси берилган авансдан иш ҳақи тўлаш, ёнгилик-мойлаш материаллари, ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари, қиш-

лок ҳўжалиги техникаси ва уларга эҳтиёт қисмлар, хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Хусанов) Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академияси билан биргаликда дон ўрим-йиғимида банд бўлган ходимлар меҳнати ҳақи тўлаш ва уларнинг моддий рағбатлантириш бўйича тавсияномаларини бир ҳафта мuddатда ҳўжаликларга етказсин. Дон ўрим-йиғимида моддий рағбатлантиришни кўчатириш учун ҳўжаликларга қўмбандчилик ҳамда ўрим-йиғим ишларида банд бўлган бошоқли экинлар билан ҳар беш ва ўн кунда ҳисоб-китоб қилиш тавсия этилсин. Урим-йиғим мавсуми тугагач, бажарган ишига қараб қўмбандчиликка икки тоннагача, юк автомобиллари ҳайдовчиларига ва ўрим-йиғимдаги кўл ишларига қатнашганларга бир тоннагача дон берган ҳолда махсулот билан иш ҳақи тўлаш қўлансин.

Марказий банк, «Ўзгросаноатбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ўрим-йиғим мавсуми катнашчилари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш учун ҳўжаликларни нақд пул билан таъминласинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳўжалик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Хусанов), «Ўзқишлоқҳўжаликтаяминоттузатиш» (Жабборов), «Ўзмевабазавотузмасаноат» уюмлари (Носиров), «Ўздонмахсулот» давлат корпорацияси:

Шу йилнинг 20 майгача дон ўриши-йиғими қўмбандчилигини, йиғиб олиш донини ташиш учун транспорт воситаларини, уруғлик донни тозаалаш машиналарини, хирмонларни, юқлаш воситаларини, ёнгилик қарши курашиш ва бошоқли экинларнинг тайёрлаб қўйишни таъминласинлар. Зарур эҳтиёт қисмлар ва резинатехника буюмлари резервларини яратиш чора-тадбирларини кўрсинлар. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қўмбандчилик дон ўрим-йиғимида чиқаришни амалга оширсинлар;

сўғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун бошоқли дон экинлари ҳосили ўрим-йиғими тугагач, бўшаган майдонларни тайёрлаш ҳамда дон ва силосбоп маккажўхори, картошка, сабзавот ва ўсиш даври қисқа бўлган бошоқ экинларни вилоятлар бўйича такрорий экиш ишларини қисқа мuddатларда ўтказсинлар;

бошоқли дон экинлари ҳосилини ўз вақтида ўриб-йиғиб олишда ва ерларни такрорий экин экишга тайёрлашда фермерларга ва аҳолига амалий ёрдам кўрсатсинлар.

6. «Ўзавтотранс» уюмлари (Собиоров) ва «Ўзқишлоқҳўжаликтаяминоттузатиш» давлат-кооператив кўмитаси (Жабборов) дон ҳосилини йиғиштириб олиш даврида саноат корхоналарини ҳўжаликларга техника ёрдами кўрсатиш вазифаси билан туманларга бириктириб олиш ҳўйсинлар.

7. «Ўздонмахсулот» давлат корпорацияси (Мамамаджонов):

1995 йилги дон ҳосилининг элеваторларда, дон қабул қилиш корхоналарида ва узоқ пунктларда, дон етиштириш жойларида узлуқсиз қабул қилиб олинишини таъминласин;

донни давлат ресурсларига қўпבל топшириш мақсадида жамoa ҳўжаликларини, кооперативларнинг уюмларини, ҳўжаликларнинг бошоқ турларини, шунингдек, деҳқон (фермер) ҳўжаликларини билан донни эркин нархларда харид қилиш учун шартномалар тузиш ишларини авж олдирсин.

8. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва «Ўздонмахсулот» давлат корпорациясига, «Ўзмевабазавотузмасаноат» уюмларига, Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академиясига 1996 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари уруғлигини гaмлаб қўйишни таъминлаш тавсия қилинсин.

9. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, «Ўздонмахсулот» давлат корпорацияси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳўжаликларини зарурат бўлганда қайд этилган вилоятларнинг ҳўжаликларига 1996 йил ҳосили учун экиш мақсадида бугдойнинг сeрҳосил навлари уруғликларини республика

ташқарисидан келтиришни таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги, «Ўзмевабазавотузмасаноат» уюмлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳўжаликларини дон ҳосилини йиғиштириб олиш жойларида, уларни хирмонга ва дон қабул қилиш пунктларига, шунингдек, сақлаш жойларига ташиш чоғида қатъий қўриқлашни ва ҳисобга олинишини таъминласинлар, бунинг учун назорат постлари ташкил этсинлар.

11. «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси (Аҳметов), «Ўзқишлоқҳўжаликтаяминоттузатиш» давлат-кооператив кўмитаси дон ҳосилини йиғиштириб олиш даврида Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари ҳўжаликларини билан шартномалар асосида, автомашиналарнинг 2 сменада ишлашини ҳисобга олган ҳолда, юк автомобилларини ҳайдовчилар, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва тузатиш воситалари билан биргаликда ҳўжаликларнинг бюртнономаларига мувофиқ микдорда ва мuddатларда юборсинлар.

12. «Ўздавнефтомасло» бирлашмаси дон ҳосилини йиғиштириб олиш ва ташиш учун ёнгилик-мойлаш материалларининг зарур захирасини яратсин, уларнинг ҳўжаликларга узлуқсиз бeрилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юқлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 15 май.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 майдаги қарорига илова
1995 йилги бошоқли экинлар донини

бир тоннаси учун, сўм

бугдой	2000
жавдар	1730
арпа	1600

БАЙРАМ ТАБРИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, жаноби олийларига Тунис халқи, ҳўкумати ва шахсан ўз номидан энг қизгин табриқларим ва эзу тилақларимни йўллашдан бахтиёрлигимни билдираман.

Қиёт ва фаровонлик тилайман. Қодир Аллоҳ таоло мусулмон умматига иноятини бажо айлаб, фаровонлик йўлидаги умумий ҳаракатларимизни ёрласин.

Зайн ал-ОБИДИН ибн АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов 17 май кўни Вьетнам Социалистик Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Нгуен Ван Дакни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Нгуен Ван Дак ВСР Миллий Мажлисининг Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасида парламентларо муносабатларни ўрнатиш ва ривож-

лантириш тўғрисидаги истагини етказди.

Шу кўннинг узида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов Конрад Аденауэр фондининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайберни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Суҳбат чоғида демократияси ривожланган мамлакатларнинг парламент фаолияти тажрибасини ўрганиш юзасидан илгчи семинарларни ҳамкорликда тайёрлаш масалалари муҳокама этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
ҲўЖАЛИКЛАР ИХТИЁРИДА ҚОЛДИРИЛАДИГАН ПАХТА ТОЛАСИ, ПИЛЛА, ЖУН ВА ҚОРАКўП ТЕРИ СОТИЛИШНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ҚОРАҚАЛПОЎГИСТОН РЕСПУБЛИКА ВА ВИЛОЯТ УЮШМАЛАРИНИ ТУГАТИШ ТўҒРИСИДА

Ҳўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сотишда уларнинг мустақиллигини кенгайтириш мақсадида:

1. Ҳўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қоракўп тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон республика ва вилоят уюшмалари муассис-ҳўжаликларининг уларни тузатиш тўғрисидаги тақ-

лифи қабул қилинсин. Муассислар уюшмаларнинг қонунда белгиланган тартибда тузатилишини таъминласинлар.

2. Ҳўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қоракўп тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон республика ва ви-

лоят уюшмаларини ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 октябрдаги Фармони ўз кўчини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddат ичида ушбу масала юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 17 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида

1. Маъмурий қамоққа олинган шахслардан маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарорига биноан қамалганларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар соткасига энг кам иш ҳақининг 15 фоизи микдорда ундириб олинсин.

2. Қамалган шахс маъмурий қамоққа бўлган вақтида ишлаган ва бу билан ўзи-

ни сақлаш харажатларини қоплаган ҳолларда ундан харажатлар ундириб олинмайди. Қамалганлар меҳнатга қобилиятсиз бўсалар, улар ҳам бу харажатларни ундиришдан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

«Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

«Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1995 йил 1 июндан эътиборан амалга киритилсин.

2. Қуйидагилар 1995 йилнинг 1 июнидан бошлаб ўз кўчини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1960 йил 29 декабрдаги «Маъмурий тартибда қисқа мuddатли қамоққа ҳўкм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Веломостлари, 1964 йил, N 34, 2-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1960 йил 29 декабрдаги «Маъмурий тартибда қисқа мuddатли қамоққа ҳўкм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Веломостлари, 1960 йил, N 30, 2-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 1961 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Маъмурий тартибда қисқа мuddатли қамоққа ҳўкм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Веломостлари, 1964 йил, N 34, 2-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Маъмурий тартибда қисқа мuddатли қамоққа ҳўкм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Веломостлари, 1964 йил, N 36, 20-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1961 йил, N 36, 20-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1960 йил 29 декабрдаги «Маъмурий тартибда қисқа мuddатли қамоққа ҳўкм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Веломостлари, 1966 йил, N 11, 7-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.
Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

Ғалла мустақиллиги учун

Ҳўкуматимиз ғаллачиликни тез суръатлар билан ривожлантириш, 1996 йилга бориб, ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида катта амалий ишлар қилмоқда. Президентимиз эса бу борда тегишли фармонлар қабул қилди. Уларда деҳқонларга катта имтиёзлар бeриш, ғалла харид нархини ошириш, илгор ғаллакорларни рағбатлантириш каби масалалар ўз ифодасини топган. Булар деҳқонларга куч-қувват, ишига унум бағишламоқда.

Катта меҳнат тўғрисида бу йил ғаллазорларда мўл ҳосил пишиб етилмоқда. Бунга ўтган йил кўз фаслидаёқ замин ҳозирланди. Жами бир миллион 379 минг гектарга танланган, тозаланган уруғ сепилди. Шундан 874 минг гектарга сугориладиган ва қолган 505 минг гектари ламий ерлардир. Бу 1994 йилда қараганда 220 минг гектар кўп демаскир.

Ҳар бир танланган нав ўз хусусиятига қараб, белгиланган фурсатларда экилди, вақтида озиқлантириб, талаб қилинган пайтда сугорилди ва сифатли парвариш қилинди. Шу тариқа ҳосилнинг барқарорлиги кафолатланди. Айниқса, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида 45-50 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турган ҳўжаликлар кўп. Балқичи, Марҳамат, Оқолтин, Жомбой, Тойлоқ, Оқдарё, Касби, Шаҳрисабз, Қува, Тўрақўрғон туманлари ўртача 40-45 центнердан ҳосил кўтариш ниятида. Даладаги ҳосилнинг чўги уларнинг умидларига қанот бағишлайпти.

Бу йил мамлакатимизда сугориладиган ғаллазорларнинг гектаридан ўртача 30 центнердан, ламий ерлардан 10 центнердан ҳосил кўтариб, жами 3 миллион 300 минг тонна ғалла етиштириш режалаштирилган. Мутахассисларнинг фикрича, республикамиз ғаллазорларида режани ушбу йилдан бeриш, ҳаёт-туяндан-да кўпроқ ҳосил пишиб етилмапти. Аммо кўнглини тўқ қилиб, хотиржам бўлишга ҳали эрта. Чунки, ғаллакорларимиз олдида ўрим-йиғимни тез ва сифатли ўтказишдек муҳим вазифа турибди. «Даладагисиз, хирмондагисиз ҳисоб» дейи-

чиб, саранжомлаб ола билишда гап кўп. Бу борадати лоқайлик, масъулиятсизлик қимматга тушади. Хирмондаги ҳосилнинг чўги даладагисидан пасайиб кетади. Бу йилги ҳосилни бой бермасликнинг, нобудтариликка йўл қўймасликнинг бирдан-бир йўли ўтган йилги ўрим-йиғим давридаги хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олишдир.

Ўтган йилги Қорақалпоғистонда 15,8 минг, Бухорода 15 минг, Жиззахда 24 минг, Қашқадарёда 25 минг, Самарқандда 22 минг, Тошкент вилоятида эса

32 минг гектар майдондаги ғаллазорлар қаровисиз қолди, ўрим-йиғимга етиб келмади.

Ушбу йилги ўзим-терим мавсуми Жиззах вилоятида 57, Сирдарёда 58, Самарқандда 61, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида 62, Сурхондарё вилоятида 75 кунгача чўзилиб кетди. Натижасида пишиб кетган бошоқлар чатнаб, ҳосилнинг анча қисми нобуд бўлди. Ўзим-йиғим мавсуми бунча чўзиладиган бўлса, такрорий экинлар экиш ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Йил ҳам «техника қиммат, эҳтиёт қисмлар йўқ, ёнгилик масаласи чатоқ», деб баҳонани бeсeр қилиб турганлар, боқимандалик кайфиятида юрганлар йўқ эмас. Четдан келтириладиган ғалланинг ҳар тоннаси йўл ҳақлари билан 200—210 долларга тушибди, ўзимиз ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз қанчалар арзон бўлишини анча нобуд бўлди. Ўзим-йиғим мавсуми бунча чўзиладиган бўлса, такрорий экинлар экиш ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Тез кунда бошланган ғалла ўрим-йиғим мавсумининг республикамизнинг ҳамма жойида 20-25 иш кунинда ниҳонсизга етказиш мўлжалланмапти. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Фақат қаттиқ меҳнат қилиш лозим.

Маълумки, ўрим-йиғим мавсумида чўзилиб кетишининг асосий сабаби техникадан унуқли фойдаланмасликдир. Ўтган мавсумда Қашқадарёда 1596 комбайндан 404 таси ишлатилган. Сурхондарёда 163, Самарқандда 180, Жиззахда 188 комбайн ўрнида умуман қатнашмади. Бу

Республика Қишлоқ ҳўжалик вазирлигининг олинган маълумотларга қараганда, мамлакатимизда жами 8 мингдан ортиқ ўрим комбайни мавжуд. Ҳаммаси таъмирланиб, ўрнига шай қилиб қўйилган. Бундан ташқари, бу йил 1100 та янги комбайн сотиб олинди. Яна 600 та комбайн мавсумгача келтирилиб, солинган йиғи туширилди. Бу техника нимага қолдирилгани ўрим-йиғим суръати кўрсатди.

Бу йилги баҳор деҳқонлар учун муаммолар тугидирми? Май ойининг бошларида бўлиб ўтган қаттиқ шамол ва кучли ём-

ғир оқибатида баъзи майдонлардаги ғалла ерга етиб қолди. Бу, айниқса, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ғаллазорларига зарар келтирди. Республика Қишлоқ ҳўжалик вазирлигининг етакчи мутахассиси Тельман Азимовнинг таъкидлашича, бундай табиий офат тўғрисида ҳосилга зарар етишининг олдини олиш, ғалла нобуд бўлишига йўл қўймасликнинг чоралари кўрилади. Мутахассислар мавсумда ўрим агрегатларида ғалла поясини кўтариш мосламасини ўрнатишни тавсия қилганлар. Бундан ташқари, ғалла етиб қолган майдонларда кўл ўрминини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Ғалла ўрим-йиғимини қисқа мuddатларда, нобудтариликсиз ўтказишдан яна бир қўзланган мақсад шунки, ғалладан бўшаган майдонларга тез фурсатда такрорий экин экиш зарур. Бу йил 700 минг гектарлиги ғаллани қисқа мuddатда ўриб-йиғиб олиб, 8-10 кунда такрорий экинлар экиш режалаштирилган. Шундан 351 минг гектарга дон ва силос учун маккажўхори, 80 минг гектарига сабзавот, 20 минг гектарига картошка, қолган 249 минг гектар майдонга бошоқ экинлар экилади. Бундан кўринадигани, ғалла ўрминини белгиланган мuddатда ўтказиш такрорий экинлар ҳосилдорлигини бeртилалади. Демак, халқимиз дастурхонининг қанчалик тўкин бўлиши ҳам шу ўрим-йиғим суръатига боғлиқ. Ғаллакорларимиз, бу ишга мутасидди бўлиш раҳбарлар бунинг учун ҳис қилишлари, жойларда ўрим-йиғимни ушўқоқлик билан ташкил этишлари, ўтган йилги хатоларни такрорламасликларини доим. Акс ҳолда тайёр ҳосил бой берилди, ҳосилдорлик пасайди. Ўрим-йиғимда қатнашадиган комбайнчилар, шоферлар, ишчиларни ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳозирламоқ белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўйбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Республикамизнинг барча ғалла майдонларида мўл ҳосил етиштирилди, эндиги вазифа уни нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдир.

• Қонун кўзгисида

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида қилган маърузасида давлат ҳаётидаги муҳим қадамларни сифатида Қуролини кучларимизни ташкил қилишга эди. Маърузада ҳарбий қўшниқнинг, муштаракликнинг ҳимоя қилишга қодир, сафарбарликка тайёр, яхши таълим олган ва таъминланган армияга эга бўлишимиз лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Мана, тўрт йилдирки, Ўзбекистон муштараклик тараққиёт йўлидан дадил одим ташламоқда. Бу даврда республиканинг ишончли мулоффа қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳақида республика раҳбарияти, Конституцияга биноан Қуролини кучларимизнинг Олий қўмондонлиги бўлиши Президентимизнинг назаридан қочгани йўқ. Айнан юртбошимиз ташаббуси билан ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва Қуролини кучларимизнинг жанговар қобилиятини муштараклаш борасида давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини оширишга қаратилган бир қанча қонуний ҳужжатлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон муштаракликка эришганидан кейин қабул қилинган дастлабки қонунлар орасида «Мулоффа ҳақида»ги қонунлар борлиги тасодифий ҳол эмас.

Республика Конституциясининг 52-моддаси бarchа фуқароларга қонун билан ўрнатилган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизмат қилиш вазифасини юклайди. Қонун фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни қаққуриш участкаларида рўйхатга олиш ва хизматга қаққуриш, ҳарбий ва муқобил хизматни ўташ, захирада хизмат қилиш, ҳарбий ҳисобда туриш тартибларини аниқ белгилаб берган. Республика фуқароларининг, давлат бошқаруви марказий органлари, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, ўқув юртлиари, корхона ва ташкилотларнинг қайси бир идорага мансублиги, мулк шакли ёки ҳўжалик юриштиш шарт-шароитлари ҳарбий қарамасдан, қонунларга сўзсиз бўйсунуши ва ёш аҳолини ватанпарварлик ҳамда ўз юртини ҳимоя қилиш рўйхатда тарбиялаш лозимлиги қонуний асосда белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан биран ҳамкорликда, Мулоффа вазири билан келишган ҳолда ҳарбий мажбурият, ҳарбий ва муқобил хизмат, Ватанини ҳимоя қилиш борасидаги қонунларнинг сўзсиз бажарилишига, республика Қуролини кучларида интизом ва қонунийликни муштараклашга ҳар томонлама кўмаклаштиришнинг асосий вазифаси деб билиди. Бу ишнинг муҳимлиги ва аҳамияти катта эканлиги тўғрисида шу йилнинг эртдан бери Прокуратура ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси ўтказилди. Ҳайъатда қабул қилинган қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бу масалаларда қонунга риоя қилиш ҳолати чуқур таҳлил этилди, таҳлил натижалари эса, ҳокимликлар, мулоффа ишлари ва халқ таълими органларининг масъул ходимлари иштирокида кўриб чиқилди.

Ўтказилган текширувлар нима ни кўрсатди? Афсуски, ёшларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш тизимида ҳокимликлар, хизматга қаққуриш ва тиббий комиссиялар фаолиятида жуда кўп ҳолатлар ва қонунни бузиш ҳолатлари аниқланди. Ҳокимликлар, мулоффа ишлари бошқармалари ва бўлимлари старли эътибор бермагани оқибатида республиканинг кўп вилоятларидаги ўқув юртлиарида ёшларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш қонқарезиз

ган. Прокуратуранинг талабига биноан яқиндаги туманда хизматга қаққуриш комиссиясининг таркиби қайта кўриб чиқилди.

Хизматга қаққуриш комиссиялари фаолиятидаги расмийлик сўзсиз равишда ҳисобга олиш — хизматга қаққуриш ишлари сифатининг паслигида намоён бўлмоқда. Маълум бўлишича, кўп жойларда бу ишлар тегишли талабларга мувофиқ жавоб бермайди. Бунинг оқибатида рўйхатга олиниши лозим бўлган ёшларнинг юз

ма тақдим этиб, шу асосда армияга қаққуриши кечиктириши ни талаб қилишган.

Маққуриш шaxсларга нисбатан жинойи иш қўзғатилди, бу масалалар бепарволик ва лоқайдлик кўрсатган бир қанча раҳбар қонунга биноан жазоланди.

Прокуратура аралашганидан сўнг ҳарбий ҳисоб-китобни бузишга нисбатан чора кўрмагани учун Самарқанд вилоятининг Тойқоқ тумани мулоффа ишлари бўлимининг бошлиғи А. Моисенко вазиридан бу

гарлик билан боғлиқ вазоратларда ишлатиш қатъиян таққиланмади.

Бирок Бухоро вилоятининг Ромитан туманида қонунни бузиб, ўтган йил кузда қаққурилган 44 кишини муқобил хизматни ўтиш учун турли тижорат тузилмаларига, савдо корхоналарига юборганлар. Бухоро туманида ҳам қонун ҳудди шу тарзда бузилган, бу ерда армияга қаққурилган 40 дан ортққ киши кичик бизнес корхоналарида муқобил хизматни ўтамоқда. Маълум бўлишича, Сирдарё вилоятида муқобил хизматни ўтапти, деб ҳисобга олинган айрим шахслар аслида турли банк муассасаларида ва солиқ инспекцияларида ишлаган.

Қонуннинг бузилишига йўл қўйгани учун айрим вилоятларда прокуратуранинг талабига мувофиқ бир қанча мансбдор шахсларга нисбатан интизомий чора кўрилган.

Ҳарбий хизматга қаққуриши ташкил этиш устидан тегишли назоратни амалга ошириш ва қонун бузилишининг олдини олиш мақсадида жойларда прокуратура органларининг вакиллари қаққуриш комиссиялари таркибига киритилди.

Прокуратура органлари Мулоффа вазири билан биргаликда ҳарбий хизматчиларнинг Низомга ҳилоф ўзаро муносабатларига қарши курашни кучайтириш чораларини кўрди. Бундай ҳолатларнинг ҳар бири чуқур ва ҳар томонлама текширилиб, айбдорларга нисбатан қонунда қўзда тутилган жазо чоралари қўлланилмоқда. Дарвоқе, республика янги Жиноят кодексининг 285-моддасида жиноятнинг ана шу турли учун 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш қўзда тутилган.

Прокурорлик тақрибасига асосланиб, айрим интизомсиз ҳарбий хизматчилар ўзи қабул қилган қасамини, ота-оналари, ҳамқишлоқлари ва қариндош-уруғлари Конституцияда белгиланган бурчини, фуқаролик бурчини ҳалол бажариш тўғрисида берган нақазларини бузиб, хизмат жойини ўзбошимчилик билан ташлаб кетиши каби ҳолатларга алоҳида эътиборни қаратмоқчиман. Ҳарбий қисмлардан ўзбошимчилик билан кетиб қолгани учун қонунда тегишли жазо қўзда тутилган, айрим ашадли қонунбузарлар шу қонунга мувофиқ жазоланди. Бундай ҳолатлар ҳарбий қисмларда ҳарбий жиноят содир этганлик учун жавобгарликка олиб оқоҳланганди, ҳарбий хизматчилар орасида ҳуқуқий билимлар старли тарғиб қилинмаётганидан далоят беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодекси 1 апрелдан бошлаб қучга кирди. Унда хизматни ўташ тартиби ва ҳарбий интизомга риоя этишига зид бўлган жиноятларнинг содир этилиши учун жинойи жавобгарликни қўзда тутувчи 20 дан ортққ модда бор. Янги Жиноят кодексида мувофиқ бирорта ҳам ҳарбий жиноят, қонунни бузиш ҳолатларининг бирортаси ҳам жазосиз қолмаслигини таъкидламоқчиман.

Республика Прокуратура органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўз иштини мувофиқлаштириб ва Мулоффа вазири билан ҳамкорликдан бундан бун ҳам республика Қуролини кучларида қонун ижроси устидан прокурор назоратини кучайтиришига, Ўзбекистон халқининг муштараклиги ва тинч меҳнатини қўриқлаётган армиянинг жанговар қобилиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларини изчиллик билан амалга оширавелади.

У. ХУДОЙҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари. (Ў.А.)

ВАТАНИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

рт ва соғломлаштириш лагерлари барча йигитларни хизматга тайёрлашга тўла қамраб олиниши таъминламайди.

Халқ таълими органлари бу ишда йўл қўйиб бўлмайдиган даражада бепарволик қилмоқда. Умумий таълим мактабларида ходимларни ҳарбий таълим раҳбарлари лавозимига ташлаш тартибини анча яхшилаш лозим. Мактабларда ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича машғулотлар савияси жуда паст. Таҳлил шунки кўрсатдики, мактаблардаги ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаётган раҳбарларнинг деярли учдан бир қисмининг ёши 60 дан ошган ёки уларнинг ўзлари тегишли ҳарбий тайёрларлик кўрмаган.

Текшириш чоғида Бухоро шаҳрида 35 та умумий таълим мактабидан фақат иккитасидагина ёшларни армияга қаққуришга тайёрлаш учун тўла ўқув мажмуи ва тегишли моддий базаси мавжудлиги аниқланди. Қоровулбозор туманида эса, бундай мактаб умуман йўқ экан. Самарқанд вилоятида 813 та умумий таълим мактабидан атиги 117 таси ҳарбий тайёрларлик машғулотлари учун зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Хоразм вилоятининг Гулстан туманида халқ таълими бўлимининг ҳарбий-спорт тайёрларлиги бўйича инспектори ўрни анча вақтдан бун бўш турибди. Иш, табиийки, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Фурқат, Абдулла Қоидий ва Ҳамид Олимжон номлидаги мактабларда ҳарбий-спорт тайёрларлигига ҳаёт-то хона ҳам ажратилмаган, бошланғич ҳарбий тайёрларлик бўйича машғулотлар ўтказиш учун энг оддий моддий-техника базаси ҳам йўқ.

Анджон вилоятининг Марҳамат туманидаги 3-мактабда бу ўқув йилида 5-7-синфларда ҳарбий-спорт тайёрларлиги бўйича машғулотлар умуман ўтказилмаган. Бошқа вилоятлардаги мактабларда ҳам аҳвол кўн-гилладек эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазиран Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан тузилган хизматга қаққуриш комиссияларининг ишла жиҳдлий нуқсонлар борлиги аниқланди. Бундай комиссиялар кўпинча шовмашоворлик билан тузилган, комиссия аъзолари пухта танланмаган. Натижада бир қанча ҳолатларда комиссия таркибига, айниқса, туман бўлимида укувсиз, обрўвсиз кишилар кириб қолган. Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани ҳокимининг қарори билан ўтган йил туман хизматга қаққуриш комиссиясини таркибига туман ички ишлар бўлимининг вафот этган масъул ходими киритил-

ди. Қашқадарё вилояти прокуратураси вилоят мулоффа ишлари бошқармасининг хизматга қаққуриш бўлими бошлиғи Ш. Исроиловни оқоҳланганди. Ромитан тумани мулоффа ишлари бўлими бошлиғи М. Ҳабибов, Бухоро тумани мулоффа ишлари бўлими бошлиғи Р. Ҳабибов, Бухоро вилоят мулоффа ишлари бўлими бошқармаси хизматга қаққуриш бўлими бошлиғи С. Гарифуллинга нисбатан интизомий чора кўрилди.

Текшириш натижалари юзасидан Фарғона вилояти прокуратура органлари Қувасой шаҳридаги «Намуна» жамоа ҳўжа-лиги раисининг ўринбосари И. Ҳолмираев, ҳодимлар бўлими бошлиғи Р. Ҳақимов, Қува туманидаги Деҳқонобод фуқаролар йиғини кенгаши ҳарбий ҳисобга олиш бўлими бошлиғи З. Ваҳобовга нисбатан жинойи иш қўзғатди. Ҳозир текшириш ишлари кетмоқда.

Маққури вилоятлар прокурорлари томонидан аниқланган қонунни бузиш ҳолатлари бўйича ҳамда уларнинг содир этилишига қўмак берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида вилоят ҳокимликларига, мулоффа ишлари бошқармаларига, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларига тақдимнома топширилди. Тиббиёт ходимлари ва мулоффа ишлари органларининг мансбдор шахслари орасида мулқоқ йўл қўйиб бўлмайдиган, шунингдек, афсуски, кўпгина сунистеъмол ҳолатлари аниқланди. Хизматга қаққурилувчилардан пора олгани учун комиссиялар таркибига кирган 1-Бухоро шаҳар широкхонаси шифокори Ж. Шамсуддинов, Гиждувон марказий широкхонаси шифокори З. Ҳайитов, Хатирчи тумани марказий широкхонаси шифокори А. Нурматов, Сирдарё вилоят широкхонаси шифокори Э. Қоратов, Сирдарё вилояти Сайхунбўла тумани мулоффа ишлари бўлими бошлиғи В. Зуновон жинойи жавобгарликка тортилди. Тошкент вилоятидаги Янгийўл ва Оҳангарон туманлари мулоффа ишлари бўлимининг айрим ходимлари ва бошқа кишиларга нисбатан ҳам жинойи иш қўзғатилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунига ва Вазиран Маққамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ муқобил хизмат Қорақалпоғистон Республикаси Вазиран Кенгаши, вилоят ҳокимликлари белгилаган корхоналарда, ташкилотлар, муассасаларда ўталади. Муқобил хизматни ўтаётган шахсларни тижорат тузилмаларида, кичик бизнес, умумий оқватланни, савдо ва маийиш хизмат кўрсатиш соҳаларида, моддий жавоб-

шарлик билан боғлиқ вазоратларда ишлатиш қатъиян таққиланмади.

Бирок Бухоро вилоятининг Ромитан туманида қонунни бузиб, ўтган йил кузда қаққурилган 44 кишини муқобил хизматни ўтиш учун турли тижорат тузилмаларига, савдо корхоналарига юборганлар. Бухоро туманида ҳам қонун ҳудди шу тарзда бузилган, бу ерда армияга қаққурилган 40 дан ортққ киши кичик бизнес корхоналарида муқобил хизматни ўтамоқда. Маълум бўлишича, Сирдарё вилоятида муқобил хизматни ўтапти, деб ҳисобга олинган айрим шахслар аслида турли банк муассасаларида ва солиқ инспекцияларида ишлаган.

Қонуннинг бузилишига йўл қўйгани учун айрим вилоятларда прокуратуранинг талабига мувофиқ бир қанча мансбдор шахсларга нисбатан интизомий чора кўрилган.

Ҳарбий хизматга қаққуриши ташкил этиш устидан тегишли назоратни амалга ошириш ва қонун бузилишининг олдини олиш мақсадида жойларда прокуратура органларининг вакиллари қаққуриш комиссиялари таркибига киритилди.

Прокуратура органлари Мулоффа вазири билан биргаликда ҳарбий хизматчиларнинг Низомга ҳилоф ўзаро муносабатларига қарши курашни кучайтириш чораларини кўрди. Бундай ҳолатларнинг ҳар бири чуқур ва ҳар томонлама текширилиб, айбдорларга нисбатан қонунда қўзда тутилган жазо чоралари қўлланилмоқда. Дарвоқе, республика янги Жиноят кодексининг 285-моддасида жиноятнинг ана шу турли учун 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш қўзда тутилган.

Прокурорлик тақрибасига асосланиб, айрим интизомсиз ҳарбий хизматчилар ўзи қабул қилган қасамини, ота-оналари, ҳамқишлоқлари ва қариндош-уруғлари Конституцияда белгиланган бурчини, фуқаролик бурчини ҳалол бажариш тўғрисида берган нақазларини бузиб, хизмат жойини ўзбошимчилик билан ташлаб кетиши каби ҳолатларга алоҳида эътиборни қаратмоқчиман. Ҳарбий қисмлардан ўзбошимчилик билан кетиб қолгани учун қонунда тегишли жазо қўзда тутилган, айрим ашадли қонунбузарлар шу қонунга мувофиқ жазоланди. Бундай ҳолатлар ҳарбий қисмларда ҳарбий жиноят содир этганлик учун жавобгарликка олиб оқоҳланганди, ҳарбий хизматчилар орасида ҳуқуқий билимлар старли тарғиб қилинмаётганидан далоят беради.

• Ислохот — амалда

«ГУЛБАҲОР» СУПЕРМАРКЕТИ

Яқиндагина Янгийўл тумани марказидаги бу икки қаватли универсал дўкон харидорлар йўқлиги учун хувилаб ётарди. Сабоби — пештахталарда уларни жалб этадиган товарлар юат кам эди. Лекин бозор муносабатлари нимага қодирлигини кўрсатди. Собиқ универсал дўкон ўрнида «Гулбахор» супермаркети очилди-ю, аҳоли энди унинг ҳақиқий баҳори бошланганига гувоҳ бўлди. Негаки, витриналар дид билан жиҳозланган, пештахталарга расамиди билан терилган хима-хиз моллар эса кўзни қамаштирар эди.



Бугунги кунда супермаркетда бир мингдан зиёд турдаги буюмлар савдога қўйилган. Уларнинг аксарияти кундалик эҳтиж моллари бўлиб, бариси аҳолининг талаб-истаклари асосида келтирилган.

Туманимизда ягона супермаркетинг очилиши, албатта, бизнинг зиммага озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб беришга ёрдам берди. Янги савдо мажмуи жамоаси эса аҳолига юқори маданият хизмат кўрсатишига ҳаракат қилмоқда.

Туман ҳудудидаги ўнлаб дўконлар асосан қишлоқларда жойлашган эмасми, акционерлик жамияти раҳ-

мизининг бир йўналишидир, — сўзини давом эттирди раис. — Иккинчиси шуки, биз ўзимизда ишлаб чиқариш манбаларини кўпроқ баёқло эътиборимиз. Ҳозир маълумоти сувларни қўйиш, қандолатчилик, тикувчилик цехлари ва новвойхоналар ишлаб турибди. Ушбу корхоналарда тайёрланган маҳсулотлар эса харидорларга манзур бўлмоқда. Учуничдан, жамиятимиз ақил борлар дўконларни моллар билан тўлдиринишда мавоза усулини кенг қўллаяпти. Яъни аҳолидан ортққча турли-туман қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қабул қилиб, бунинг эъазига уларга кундалик эҳтиж молларини бераёптимиз.



Ҳа, бозор муносабатлари ишбилармон кишиларга кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Бунга биз Янгийўл тумани ҳиссасдорлари фаолияти мисолида тўла ишонч ҳосил қилдик.

И. ҲУБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: 1. «Гулбахор» супермаркетининг умумий кўрилиши. 2. Савдо залда. Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурачлар.

КОМПЬЮТЕР ҲАМ...

Бугунги кунда мамлакатимизда турли хил бойликларни ноқонуний тарзда олиб кетишга интилувчилар йўлига тусиқ қўйишда божхона хизмати ходимлари катта ўрин тутиши маълум. Лекин ҳали ҳамма жойда ҳам уларга ишлаш учун кулай шароит яратилган, деб бўлмайди. Чунки божхона ходими ҳам энди ўз хизмат бурчинини талаб даражасида бажариш учун махсус бино, замонавий текшириш ускуналари, компьютерга муҳтож.

Ана шуларни ҳисобга олиб, Самарқанд вилоятида божхона постларини давр талабига жавоб бера оладиган ускуналар билан таъминлашга катта эътибор берилаяпти. Яқинда нафақат вилоят, балки бутун республикамизда энг катта темир йўл шохобчаларидан бўлган «Улўбег» станциясидаги божхона посты замонавий, икки қаватли биного эга бўлди.

Бу пост, шунингдек, Самарқанд — Бухоро автомобиль йўлидаги қишлоқ қаратини ҳам назорат қиларди. Шу сабабли иш ҳажми анча катта.

Ун санкитиза иш хонаси, лаборатория ва бошқа ёрдамчи биналарда талаб даражасида фаолият кўрсатиш учун бирча шароит яратилган. Иш жараёни бу ерда тўлсангина автоматлаштирилган, ходимлар энг замонавий компьютерлар билан таъминланди.

М. МУЗАФФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЭРТАМИЗ БУГУНДАНДА ФАРОВОНРОК БУЛАДИ»

— дейди Навоий тоғ-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармасининг директори вазири В. РОМАШОВ.

— Виктор Алексеевич, аввало, ўзининг раҳбарлик қилаётган корхона ҳақида қисқанча маълумот бериб ўтганинг.

— Бошқармаимиз Навоий тоғ-металлургия комбинати таркибидagi бир корхонадир. Жамоамиз зинимасига эса Қизилкум бағридаги бойликларни ўлаштиришдек маъсулиятини ва фазоли вазира қонланган. Кўп йиллик ишларимизни, машаққатли меҳнатимизни эса самарасини берапти. Яқин кўнларда муштарак республикамиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшидиган 3-гидрометаллургия заводи дастлабки маҳсулотини бера бошлайди. Бу иш учун энг кувончли воқеадир.

— Шундай янрик ишлаб чиқариш иншоотини тиклаш осон бўлмагандир? — Тоққа чикмасанг дулана қайда? Қолаверса, бу корхона шахсан Президентимизнинг эътиборида турибди. Қўшиларимиз эса ёрдам қилини қўйишапти. Жумладан, Навоий машинасозлик заводи жамоаси зарур асбоб-ускуналарни тайёрлаб бермоқда. Айниқса, заррафонлик ҳаммасларимиздан беҳад мианатдоримиз. Бу ердаги 2-гидрометаллургия заводи олтинтопарлари бўлажак ишчи-хизматчиларга касб сирларини ўргатишмоқда. Асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ва созулган эса заррафонлик мутахассислар Юрий Блудов ва Вениамин Белянский амалий ёрдам кўрсатишапти.

Умуман олганда, янги корхонада қурувчилар, монтажчилар, созувчилар бир ёқдан бош чиқариб меҳнат қилмоқдалар. Бунини иш уч сменада ташкил этилганда ҳам билса бўлади. Тегиримон ва қоронхонада эса охириги созул ишлари амалга оширилмапти.

— Қурилиш жараёнида етишмовчилик ва камчиликларга ҳам дуч келинмапти? — Бугунги шароитда бундай нуқсонларнинг рўй бериши табиий, албатта. Баъзан зарур ускуналарни жуда олдидан топшига тўғри келмоқда. Масалан, двига-тегларни Улан-Уда шаҳридан, товуш ва тебраниларни ютадиган мосламаларни эса Остиядан олдик.

Биласизми, Учқудук олтин саралаш мажмуи таркибига

3-гидрометаллургия заводи қурилишидан ташқари қарьер, қарьерди қурилма-си, энергетик, сув таъминоти иншоотлари ва канализация шохобчалари ҳам кирди. Уларни теворак ботроқ этиш, айниқса, Қўпталаш ишида ишни тўғри ташкил қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Чунки бу мажмуида руда мурабаблиги жиҳатидан ажралиб туради. Ҳар бир руданинг ўзига хос технологияси борки, бунини ҳисобга олмасликнинг илжожи йўқ. Устига устак, амалий технологияни ўзини ишлаб чиқишимиз ва таъбиқ этишимиз лозим. Лекин ҳозирча тикланган ишчи кучи заводида бутунла сарфлар эгилгани боис бунинг имконияти бўлмапти. Қарьерда ҳам баъзи асбоб-ускуналарга эҳтиж сезилмоқда. Темир йўл цехи эса тўлиқ таъмирланмаган. 3-ГМЗ тўлиқ таъмир қилинган, биз биринчи навбатда ана шу муаммоларни ёншига қиришамиз.

— Маълумки, ҳозир республикамизнинг қишлоқ жойларида ишчи кучи мавжуд. Бу, айниқса, чоравадор туманларда кўпроқ кўзга ташланади. Учқудуқликлар ҳам асосан чоравчилик билан шуғулланишади. Янги шаводин ишга тутиши мавжуд ишчи кучидан фойдаланиши ҳал эта оладими? — Албатта, уларнинг бир қисми иш билан таъминланади. Айни кўнларда учқудуқликларни ижтимоий фойдаланиш мақсадида жалб этишнинг бошқа омилилари ҳам юзага келмоқда. Мен нимадан назарда тутаяман? Учқудуқ тоғ-руда қавасида 12 турдаги сифатли мармарнинг катта захираси борлиги, бариси жаҳон талабларига жавоб бера олиши бошқармаимизни ривожлантиришни янги йўналишини белгилаб берди. Ушбу қонини ўлаштириш икки босқинда амалга оширилди. Аввало, тегишли мармар блоклар тайёрлаш йўлига қўйилди. Айни кўнларда бу юмуш бажарилмаган. Тез орада эса пардозланган гипитлар ишлаб чиқариладиган завод қурилади. У ишга тушган, яна қўлаб одамларни иш билан таъминлаш масаласи ҳал этилади.

Сўзбатов: Т. ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Косонсой туманидаги «Деҳқонобод» жамоа ҳўжалиги деҳқонлари 800 гектар майдонга чимит экиб, уни бир текис ундириб олиши. Айни дамда япаналани охираб қолди. Бундан ташқари, ҳўжаликда картошка, маккажўхори, бугдой, сабаот ва полиз экинлари парвариши ҳам қизғин. СУРАТДА: ҳўжалик бошқаруви раиси Е. Эшматов; ҳўжалик даласида. Т. МАҚҚАМОВ олган сурачлар.

